

Ижара шартномаси № 01

Бухоро ш.

2022 йил 03 январь

Кейинги ўринларда «Ижарага берувчи» деб юритилувчи “Saidhoshimxon Omad Fayz” ОК номидан устав асосида иш юритувчи директори **Ходжаев Обид Ҳамидович** бир томондан ва кейинги ўринларда «Ижарачи» деб юритилувчи “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Бухоро минтақавий филиали номидан 2020 йил 04 декабрдаги 04-16/35-сонли Бош ишончнома асосида иш юритувчи **Ражабов Сирожиддин Мансурович** иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети.

1.1. Ижарага берувчи қуйидаги мол-мулкни: Бухоро шаҳар А.Жомий кўчаси ёқасида жойлашган “Saidhoshimxon Omad Fayz” ОКсига тегишли бўлган савдо мажмуаси бино-иншоотининг 60 кв.м.ни Ижарага олувчига ҳақ эвазига вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш (тўлов шахобчаси ишини ташкил қилиш мақсадида) учун ҳамда бинодаги 65-226-20-53 рақамли телефон линиясидан тўлиқ фойдаланиш учун беради.

1.2. Мол-мулк Ижарага берувчининг мулки сифатида қолади.

1.3. Мол-мулкнинг баҳоси, техник ҳолати, эскириш даражаси ва бошқа хусусиятлари мазкур шартноманинг ажралмас қисми бўлган "Ижарага берилётган мол-мулк тавсифномаси"да белгиланади.

1.4. Мол-мулк ижарачига вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш учун 2 йил муддатга ижарага берилади. Ижара муддати 2024 йил 03 январда тугайди.

2. Ижара ҳақи миқдори ва ҳисоб-китоб қилиш шартлари.

2.1. Ижара ҳақи миқдори бир ойга 4 000 000 (тўрт миллион) сўмни, 1 йилга 48 000 000 (қирқ саккиз миллион) сўмни ташкил қилади.

2.2. Ижара тўловлари Ижарачи томонидан ҳар ойда ижара ҳақи суммасининг 1/12 қисми миқдоридан тенг ҳиссаларда ҳар ойнинг 15-санасидан кечиктирмай тўлаб борилади.

2.3 Ижарага берилётган мол-мулкдан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар - коммунал тўловлари, электр энергияси, алоқа хизмати тўловлари Ижарага берувчи томонидан амалга оширилади.

3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

3.1. Шартнома имзолангандан кейин 3 кун ичида Ижарага берувчи Ижарачига томонлар ўртасидаги келишилган талабларга жавоб берадиган ҳолатдаги мол-мулкни топшириши, Ижарачи эса ушбу мол-мулкни қабул қилиши шарт. Бунинг учун тарафлар мол-мулкни топшириш пайтида "Мол-мулкни ижарага топшириш-қабул қилиш ҳақида далолатнома"ни туздилар.

3.2. Ижарага берувчи Ижарага олувчига:

а) ижарага бериладиган мол-мулкни шартнома шартларига жавоб берадиган ҳолатда топшириши;

б) мол-мулкни сақлаш ва уни ишлатиш бўйича ёрдам бериши;

в) ижарага берилган мол-мулкдан янада самарали фойдаланиш мақсадида маслаҳат ва бошқа ёрдамларни кўрсатиши шарт.

3.3. Ижарага олувчи:

а) шартнома шартларига мувофиқ ва кўзланган мақсадда мол-мулкдан фойдаланиши;

б) мол-мулкни яроқли ҳолатда сақлаш, ўз ҳисобидан жорий таъмирлаши;

в) мол-мулкнинг сақланиши бўйича харажатларни қопланиши;

г) шартномада белгиланган муддатда ижара тўловини амалга ошириши;

д) Ижарага берувчининг ёзма розилиги бўлмасдан туриб мол-мулкни қайта ижарага бермаслик;

е) мол-мулкни шартномани тузиш вақтидаги ҳолатида қабул қилиш ва топшириш далолатномаси бўйича қайтариши шарт.

3.4. Ижарага олувчи ижара шартномаси мuddатидан олдин бекор қилинганда ёки ижара мuddати тугаганда ўзининг мол-мулкни капитал ва жорий таъмирлаш бўйича мажбуриятларидан келиб чиққан қолда амалга оширмаган таъмирлаш харажатларини Ижарага берувчига тўлаш ва мол-мулкка зарар етказилмайдиган ҳолда ажратиб олиниши мумкин бўлмаган ўзгартиришлар билан қўшиб бепул топшириши шарт.

6. Тарафларнинг жавобгарлиги.

6.1. Ўз мажбуриятларини бажармаган ёки етарли даражада бажармаганлик учун тарафлар амалдаги қонун ҳужжатлари ва мазкур шартномага мувофиқ жавобгар бўладилар.

6.2. Ижарага олувчи тўловларни шартномада белгиланган мuddатда тўламаганлиги учун ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган сумманинг 0,04 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ булмаган миқдорда жарима тўлайди.

6.3. Ушбу шартномада назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармаганлиги учун айбдор тараф йиллик ижара тўловлари суммасининг 15 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

7. Низоларни ҳал қилиш тартиби

7.1. Мазкур шартнома ва унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

7.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар филиал жойлашган жойдаги тегишли суд орқали ҳал қилинади.

8. Бошқа шартлар.

8.1. Шартномага киритилаётган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда тузилган ва тарафлар томонидан имзоланган ҳолдагина ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Тарафларнинг юридик манзилгоҳлари ёки банк реквизитлари ўзгарганда, бир-бирларини 1 кун ичида хабардор қиладилар.

8.3. Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2024 йил "03" январгача амал қилади.

9. Тарафларнинг юридик ва банк реквизитлари:

| «Ижарага берувчи» | «Ижарачи» |
|--|--|
| «Saidhoshimxon Omad Fayz» ОК Манзил: Бухоро ш. Косагарон кўчаси 2- уй <i>x/p:20208000600712699001</i> Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Бухоро минтақавий филиали МФО: 00086, СТИР:304547494 ХХТУТ 26797585 Тел:91 -413-40-95 | «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Бухоро минтақавий филиали Манзил: Бухоро шаҳар Б.Нақшбанд кўчаси 257а- уй Х.р. 19907000700000086109 МФО 00086, СТИР 200862212 ХХТУТ 96120 Тел: 223-71-97, 223-48-59 |
| Рахбар <u>О.Х.Ходжаев</u> | Бошлиқ <u>С.М.Ражабов</u> Бош бухгалтер <u>Ш.Хайдаров</u> Юрист <u>А.Хамраева</u> |

